

9-10-2020

DIFFUSION OF GENRES IN UZBEK DRAMA IN THE PERIOD OF INDEPENDENCE.

Vaziraxon Askarovna, Axmedova

Research is Tashkent state pedagogical University after named Nizamiy

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Axmedova, Vaziraxon Askarovna, (2020) "DIFFUSION OF GENRES IN UZBEK DRAMA IN THE PERIOD OF INDEPENDENCE.," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 9 , Article 39.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss9/39>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

DIFFUSION OF GENRES IN UZBEK DRAMA IN THE PERIOD OF INDEPENDENCE.

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2020 йил 9 сон

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕК ДРАМАТУРГИЯСИДА ЖАНРЛАРАРО ДИФФУЗИЯЛАНИШ.

Аҳмедова Вазираҳон Асқаровна, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети тадқиқотчиси, vaziraahmedova1112@gmail.com, +99890.174 17 78

Аннотация: Ушбу мақолада мустақиллик даври ўзбек драматургиясида жанрлараро диффузияланиш ҳодисаси драматургик жанрлар тараққиётининг муҳим тамойиллардан бирига айланиш, яъни лирика ва эпос сингари ёндош адабий турларга ҳос лирик кечинма ва кўтаринкилик, ҳолат ҳамда ҳатти-ҳаракатлар вазминлиги сингари хусусиятларни сингдириш орқали ўзининг янги ички имкониятларини намоён этиш анъанаси У.Ҳамдамнинг “Мувозанат” романи ва унинг шу бадиий матн асосида юзага келган саҳна талқини мисолида тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: драма, мелодрама, трагедия, комедия, роман, лиризм, трагизм, комизм, конфликт, кульминация, ремарка, реплика, монолог, диалог.

ЖАНРОВАЯ ДИФФУЗИЯ В УЗБЕКСКОЙ ДРАМАТУРГИИ ПЕРИОДА НЕЗАВИСИМОСТИ.

Ахмедова Вазираҳон Асқаровна, исследователь Ташкентского педагогического университета им. Низами, vaziraahmedova1112@gmail.com, +998 90.174 17 78

Аннотация: В данной статье анализируется феномен диффузии жанров в узбекской драматургии в период независимости, который стал одним из важнейших принципов драматических жанров; лирики и поэзии, лирической и эпической поэзии на примере романа У.Хамдама «Мувозанат» и его инсценировки.

Ключевые слова и выражения: драма, мелодрама, трагедия, комедия, роман, лиризм, трагизм, комизм, конфликт, кульминация, ремарка, реплика, монолог, диалог.

DIFFUSION OF GENRES IN UZBEK DRAMA IN THE PERIOD OF INDEPENDENCE.

Axmedova Vaziraxon Askarovna, Research is Tashkent state pedagogical University after named Nizamiy, vaziraahmedova1112@gmail.com, 98901741778

Abstract: In this article the phenomenon of diffusion of genres in Uzbek dramatic art in the period of independence which became one of the most important principles of drama genres is analyzed; lyrics and poetry, lyrical and epic poetry on the example of the novel by U. Hamdam “Muvozanat” and his performances.

Key words and expressions: drama, melodrama, tragedy, comedy, novel, lyricism, tragic, comedy, conflict, culmination, remark, replica, monologue, dialog.

Жанрлараро диффузияланиш ҳодисаси мустақиллик даври ўзбек адабиётида жанрлар тараққиётининг муҳим тамойиллардан бирига айланди. Жумладан,

драматик турнинг турфа жанр кўринишлари ўз табиатига ёндош адабий турлар (лирика, эпос)га хос лирик кечинма ва кўтаринкилик, ҳолат ҳамда ҳатти-ҳаракатлар вазминлиги сингари хусусиятларни сингдириш орқали янги ички имкониятларини намоён этмоқда. Аслида, драма бадий адабиётнинг синтетик тури бўлиб, азалданок лирикага хос унсурлар, масалан, лиризмдан унумли фойдаланиб келган. Шуни назарда тутган академик И.Султон: *“Лиризм (субъектив асос)драмада даставвал, драматургнинг тасвир этилаётган воқеа ва персонажларга муносабатида, асарнинг гоёвий асосида, унинг тамойилида намоён бўлади...Драмада, яъни муаллиф воқеаларга бевосита иштирок этишдан маҳрум этилган адабий тур асарларида лиризм ўзига хос (кўпинча пинҳон) шаклларда намоён бўлади.”* – деб ёзади. [5, 189]

Драматик турнинг XX аср 80-йилларигача бўлган даврдаги жанрларини тавсифлаган В.Фролов *“Судьбы жанров драматургии”* (*“Драматургия жанрларининг тақдири”*) асарида драманинг асосий жанрлари сифатида трагедия, комедия, драма, мелодрамани қайд этади. У мелодраманинг ички кўринишлари сифатида қуйидагиларни таъкидлайди:

1) детектив характердаги мелодрама; 2) маиший мелодрама – “ички монолог”; 3) мелодрама – трагедия; 4) мелодрама – комедия; 5) мелодрама – водевиль; 6) қаҳрамонлик характердаги мелодрама. Англашиладики, В.Фролов адабий турларнинг театр санъати билан бирлашиб кетган жанр ва шакллари муайян тизимга солишга интилган. Қизиғи шундаки, у “ҳикоячи қатнашган” эпоснинг – пьесалар шакли мавжуд деб ҳисоблайди. Лирик турнинг “лирик-драма”, “лирик-комедия”, “лирик-монолог” каби театрга қўшилиб кетган шакллари қайд этади. Музыка, пантомима, кино, радио ва телетеатр билан боғлиқ қатор жанрлар мавжудлигини таъкидлайди. [7, 407-410].

Адабиётимиз тарихий тажрибалари кўздан кечирилса, айрим ёзувчилар дастлаб у ёки бу мавзу ва маълум бир жанрда бирор асар ёзгани, кейинчалик шу мавзу, шу ҳаётий материал заминидан иккинчи бир жанрга мансуб бошқа бир асарни яратгани гувоҳи бўламиз. Хусусан, Ойбек “Навоий” романигача улуғ шоир ва мутафаккир ҳақида илмий-публицистик мақолалар, шеър, дoston кейин эса, мазкур номдаги эпик асарни яратганини эслашимиз мумкин. Худди шу ижодий тажриба унинг “Қутлуғ қон”, “Олтин водийдан шабадалар”, “Қуёш қораймас” каби романлари ёзилишида ҳам кўзга ташланади. Биз бу ўринда, “Қутлуғ қон” романи асосида кейинчалик шу номдаги сахна асари яратилганини назарда тутмоқдамиз. Ҳ.Олимжон “Зайнаб” очерки асосида “Зайнаб ва Омон” дostonини битиши, Ў.Умарбеков “Ер ёнганда”, “Қиёмат қарз” ҳикоялари ҳамда “Фотима ва Зухра” романи асосида драмалар ижод қилгани бунга яққол мисол бўлади. Юртимиз истиқлолга эришганидан сўнг ҳам бу ижодий анъана изчил давом этиб келмоқда. У.Ҳамдамнинг “Мувозанат” романи асосида шу номда яратилган сахна асарининг қиёсий талқини асосида шахс фожиаси драмада қай тарзда талқин этилганини тадқиқ этишимиз учун таянч бўлиб хизмат қилади.

Адибнинг романдан драмага ўтишида уч адабий-ҳаётий омил муҳим роль ўйнаган. *Биринчидан*, ёзувчи роман ёзилаётган вақтдаёқ ундаги воқеалар доирасини кенгайтириб боргани, мазмун ва ғояни янада чуқурлаштиришга интилганида кўрилади. *Иккинчи омил*, драмадаги ҳаракатни жамловчи, уни бошқарувчи бош

қаҳрамон тимсолини яратишда намоён бўлади. *Учинчи омил*, роман билан драма ўртасидаги чегара – фарқнинг аниқлашганида кузатилади. Ёзувчининг ўзи қайд этганидек, унда романдан драмага осонгина “ўз-ўзидан” кечиш жараёни содир бўлади. У.Ҳамдамнинг ҳаёт материални яхши билгани, чуқур ўзлаштиргани ҳамда асар ғоясининг аниқ тасаввур этилиши, ижодкор бадиий фантазияси, поэтик маҳоратининг етарли экани ва мазкур факторларнинг аниқ мақсад сари йўналтирилгани ҳам муҳим омилдир. Аслида, романдан драмага “кўчиш” анча мураккаб ижодий жараён бўлиб, поэтик ижод психологияси, ижодкор бадиий тафаккури, ижодий нияти, бадиий ғояни муайян жанр ички имкониятларига мос талқин этиш, образ яратиш каби қатор масалаларни ҳал этишни тақозо этади. Бинобарин, роман ўз холича яхлит бир мустақил асар сифатида эпик жанр талабаларига тўлиқ мувофиқ келганидек, унинг сахна нусхаси ҳам етук бир спектакль даражасида янгидан юзага келган.

Роман ва драма жанрлари ўртасидаги тафовут, бир турга мансуб жанрлар ўртасида кузатиловчи фарқларга қараганда мураккаброқ тарзда намоён бўлади. Бу оддий ўқувчига унчалик сезилмаслиги мумкин. Романда воқеа ва характерлар эпик қўламдорликда тасвирланади[4,56]. Унда эпик образ ва эпик баён етакчилик қилса [2, 207-234], драмада шаклий ўзгачалик жонли хатти-ҳаракат, мазмун ихчамлигида кўзга ташланади[3, 134]. “Мувозанат” романи билан шу номдаги сахна асарини қиёсласак, роман ҳам, драма ҳам мустақил асар сифатида ўз қиёфаси, шакл-шамойилига, маъно ва мазмунига эга, деган хулосага келамиз. Асарнинг сахна варианты томошабинга кўпроқ, фаолроқ ва самаралироқ таъсир кўрсатади. Шунга қарамасдан, романнинг қайси жиҳатлари драма учун асос бўлиб хизмат қилган? – деган масалани алоҳида кўриб чиқиш эҳтиёжи туғилади.

“Мувозанат” романи истиқлол йилларида яратилди ва илмий-адабий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди. Романда илгари сурилган фалсафий муаммолардан иккитасини алоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин. Инсон умр бўйи ўзини маълум бир мувозанатда тутиб яшаши ёки кўнгил олами, ҳаёллари, туйғулари, яшаш истаги, мақсадлари уни мувозанатдан чиқариши мумкин. Ҳар иккала ҳолат ҳам асарда инсон фожиаси сифатида талқин этилади. Ана шу фожиалар қаҳрамонлар ички олами ва ҳаётидаги зиддиятлар асосида тафтиш этилади. Адабиётшунос олим И.Ёқубов романни таҳлил этиб: “Инсон, аввало ўзини тушуниши, кашф этиши, англаши зарур. Шундагина у оламни ва Яратувчисини идрок эта олади, замонасини англайди. Мазкур ҳақиқатнинг бадиий ифодасини “Мувозанат” романи акс этган”[2, 236], - деб ёзади.

Асардаги Юсуф, Саид, Миразиз, Захро, Амир образларининг фожиавий қисматлари, ҳатто зоҳирий ва ботиний нутқлари китобхон руҳий оламига таъсир ўтказди. Ҳар бир қаҳрамоннинг муомала услуби уларнинг характер мантиғи, психологик ҳолати ва дунёқарошига мос тасвир этилади. Ижодкор турмуш воқеаларини образлар руҳий ҳолатлари орқали умумлаштириб беришнинг ўзига хос йўллари кашф этади. Роман 2011 йилда Абдор Ҳидояттов номидаги театрда сахналантирилди ва томошабинлар томонидан илиқ қарши олинди. “Мувозанат” романи ва унинг драматик талқини ҳам истиқлол даврида яратилгани, улардаги воқеалар ечимининг муваффақиятли ҳал этилишида кўзга ташланади. Роман ва

драмани қиёслар эканмиз, аввало ёзувчи драматик тур талабаларидан келиб чиққан ҳолда, асар матнига қатор ўзгартиришлар киритгани аён бўлади. Пьеса олти парда ва ҳар бир парда бир неча кўринишлардан иборат. Биринчи парда бир кўринишдан иборат бўлиб, Юсуфнинг боғда талабаларга дарс машғулотини ўтиши манзараси билан бошланади. *“Истиқлол – бу ҳалигача айримлар истеҳзо билан қарайдиган ва шундай муносабатда бўлишга беҳуда уринадиган қуруқ шиор, қизил ёрлиқ эмас! У халқимизнинг сўнги юз йил мобайнида эришган энг улкан ва ҳар қандай миллат тарихида мисли кам топиладиган ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий Даражасидир!”* [9, 2]. Ёзувчи ретроспектив сюжетдан фойдаланган ҳолда драмани ўқитувчи Юсуфнинг Истиқлол ва унга эришиш йўлида чекилган машаққатлар ҳақидаги монологи билан бошлайди. Романда эса воқеалар Юсуфнинг болалиги, отаси билан боғдаги суҳбати тасвиридан бошланган. Драманинг иккинчи пардасида эса Юсуф болалигига қайтади ва отаси билан мувозанат ҳақида суҳбатлашади.

“ Ота:- Мунча ошиқмасанг, болам, ҳадемай тонг отади, ҳали қорга ҳам ўйинга ҳам тўясан, яхшиси, пастга туш, йиқилиб майиб бўлма.

Бола: - Анави Улуғтогингизга айтинг, ота, ҳадеб ушлаб туравермай, қуёшни қўйворсин! У бўлмаганда биз аллақачон Содик билан кўчада ўйнаётган бўлардик.

Ота:(кулиб) - Нималар деясан, ўғлим, тоғ қуёшни тўсгани йўқ. Қуёш тоғдан жудаям олисдан чиқиб келади. Унга на тоғ, на бошқа нарса, худодан ўзга ҳеч зот халақит қилолмайди. Вақти-соати етгач ўзи кўринади, - тушунтирди ота.

Бола: - Бўлмаса худога айтинг, қуёшни қўйворсин!..

Ота: - Ўғлим, худо мендан сўраб иш қилмайди. У ўзига хон, ўзига бек. У ўз ишини яхши билади. Дунёни ҳам бир маромда юргизади. Маромни эса бузиб бўлмайди.

Бола: - Маром нима?

Ота: - У ҳаётимизни тўтиб турган устун болам. У бўлмаса, ер юзида мувозанат бузилади. Мувозанат бузилса, одамзоднинг бошига ташвиш тушади.

Бола: - Мувозанат нима?

Ота:-Эҳ, болама-а, қийин савол бердинг-ку...(ўйланиб) Менимча, у ҳамма яхшиликларнинг боши. Мувозанат бор экан, ҳаёт бор, яхши ҳаёт бор...Майли сен ўзинг катта бўлганигда билиб оласан, хўпми, тойчоғим.” [9, 3]

Юқорида келтирилган диалогда Улуғтоққа ишора қилинишида чуқур рамзий маъно мужассам. Чунки, қаҳрамоннинг болалигидан Улуғтоққа интилиши, инсон ҳар доим юскасликка талпинишининг рамзий ифодаси. Бу қисматнинг мангу йўли. Инсон яралибдики, тақдир унга “танлаш” имконини беради. Юсуф ҳам бир неча бор ана шундай танлов – икки йўлнинг бошидан чиқиб қолаверади. Аслида, инсон умри кўплаб синов манзилларидан таркиб топади. Бинобарин, юқоридаги диалогдаги интилиш мувозанатни сақлаб қолиш ва уни йўқотишнинг бошланғич нуқтаси – ҳаёт фалсафаси моҳиятига ишорадир.

Саҳна асарининг иккинчи пардасида Ҳалима ая, Юсуф, Амир ва Гулшоданинг дин, имон, диёнат, дунё ва жамият ривожига эътиқоднинг таъсири ҳақидаги суҳбатлари берилади. Юсуф ва Амирнинг дин ва имон ҳақидаги қарашлари ҳам турлича.

“Амир:- Намоз ўқимай қўйибсан деб эшитдим. Шу ростми?”

Юсуф: - Мусулмончиликда бирламчи нима, ака? (саволга савол ила жавоб қайтарди Юсуф)

Амир: - Иймон.

Юсуф: - Нега, унда сизнинг биринчи саволингиз иймон ҳақида эмас?

Амир:-Чунки иймонли одам намоз ўқийди.

Юсуф: - Лекин намоз ўқиганларнинг ҳаммаси ҳам иймонли дегани эмас бу. Шу билан бирга намоз ўқимаганнинг бари иймонсиз, деган ҳукм ҳам йўқ исломда.

Амир: - Бу нарса намоз ўқимаслик учун сенга асос бўлолмайди

Юсуф:- Ака, мулоҳаза қилиб қарасам, мен қаерда ва нима иш билан машгул бўлмай, ҳамиша Оллоҳнинг измида ва Унга ибодатда эканман. Бироқ асосийси бу эмас...ҳар қандай диннинг асосида инсонни яхши бўлишга, яхшилик қилишга, ўзинга раво кўрганнингигина ўзгага раво кўришга чақириб яшаш мавжуд". [9, 8],

Юқоридаги диалогда Амир қарашларидаги ботиллик яққол намоён бўлган. Амир фожиаси – дин, исломий эътиқод бобида ўз ҳаддини билмаган мутаассиб одамнинг амали. Амирнинг аянчли қисмати аслида эътиқод – пирсиз йўлга чиққан кимсанинг қисмати. Аслида зиёли-муаллим, яхшигина шоир бўлган бу одам дунё ишлари, ташвишларидан бутунлай юз ўгириб, фақат тақво, тоат-ибодат, борига шукр қилиб фақирона кун кечириш йўлини тутуди; ўзи қолиб ўзгаларни ҳам шу йўлдан боришга мажбур этади, ҳатто ўзгача қарашдаги онаси, укаси, яқинларининг ҳам ҳаловатини бузади.

Романда Юсуфнинг отаси етакчи планда бўлса, драма воқеалари унинг вафотидан кейин бошланади. Шу сабабли оила бошлиғи, фарзандларининг маслаҳатгўйи сифатида Она образи биринчи планга чиқарилади. Романда Юсуфнинг қишлоққа келиш сабаби моддий жиҳатдан қийналиши, ижара пулини тўлаш учун яқинларидан қарз сўраши билан изоҳланса, драмада бу тафсилот воқеалар давомида, қаҳрамонлар нутқи орқали ойдинлашади.

Драманинг энг таъсирли нуқтаси Юсуф ва Содиқ диалогидир. Чунки пьесанинг кульминацион нуқтаси – Юсуфнинг фарзанди вафот этиш саҳнаси бўлиб, Юсуф айнан шу дўсти билан, ватан, юрт, озодлик ҳақидаги бўлган суҳбатини қайта-қайта хотирлайди. Айтиш мумкинки, ушбу саҳнада берилган икки дўстнинг ҳаётий диалогини, кейинчалаик Юсуф оиласининг фожиаси, яъни фарзандининг ўлими сабабларини изоҳлашга хизмат қилади:

“ – Содиқ: Юсуф, тўғриси айт, мустақилликдаги ҳаётимиз яхшими ёки аввалгиси? ...сен ҳам эски замонни қўмсайсанми? Қайтиб келса деб ўйлайсанми ҳеч? Фақат тўғриси айт?...Аҳволингни кўриб турибман, дўстим, илтимос, тўғриси айт. Бу мен учун ҳаёт-мамот масаласи...

Юсуф: (узоқ вақт жим қолгач, бирдан) Йўқ. Йўууқ!!! Минг бор йўқ, Содиқ, тушунаяпсанми?!..Агар ҳолимиз ҳозиргидан бешбаттар бўлиб, ейишга бир бурда нонимиз қолмаса ҳам, ўғлимга битта хандори сотиб ололмай қўлимни калталиги ўлимига сабабчи бўлса-да, рўзгорим куйиб кул бўлиб тўзиб кетса ҳам йўқ!!! [9, 10],

Пьесанинг кейинги кўринишларида Ойгул ва Юсуфнинг қишлоқдан шаҳарга қайтиши, ижара уйдан ҳайдалиши, сабр косаси тўлган Ойгулнинг “Эркак бўлсанг бер манинг жавобимини бер!!!” дея Юсуфдан талоқ сўраши воқеаси кўрсатилади. Миразимнинг уйидаги базмда Юсуфнинг Захро билан қилган суҳбати, айниқса

Заҳронинг унга айтган қуйидаги сўзлари уни ўз ҳаёти ҳақида мулоҳаза қилишга ундайди:

“ –Захро: ...Юсуф ака, биласизми, мен гўё секин-аста ўлаётган беморга ўхшайман. Ҳаётимни емираётган бедаво касаллик на саратон, на бошқа, балки бекорчиликдир...

Юсуф: (ўзига-ўзи) - Тавба, агар энди ҳам ўз моддий муаммоларимни ҳал этишга киришмасам, оилам, ҳатто, ўзим ҳам маҳв бўлишимни англаяпман. Бу ёқда эса ўзга ҳол, қондирилмаган маънавий эҳтиёж шўрлик Заҳрони еб битираёзибди. Демак, инсонга ҳам униси, ҳам буниси зарур. Демак, одамзот ўз маънавиятини моддият орқали намоёниш этишу ўз моддий оламини маънавият туйфайли тиклаш ва сақлашга мажбур ва маҳкум... Бунинг ёрқин мисоли мана – мен, мана – Захро, мана – акам...”[9, 15],

Ушбу мулоҳаза ва муҳокамадан кўриш мумкинки, Захро ва Юсуфни қийнаётган муаммо ечими уларнинг ботинида. Қаҳрамонлар ички қоникмаслик туйфайли маънавий-руҳий дунёсини тафтиш қилишади, азобланишади. Ҳаёт фақат моддиятдан иборат эмаслиги, инсон қанча бой бўлса ҳам, агар маънавияти ночор бўлса, данғиллама кошонда яшаса ҳам ичи бўм-бўш қутига ўхшашлиги таъкидланади. Бў уринда ҳам драматург моддият ва маънавият ўртасидаги мувозанатни сақлаш лозимлиги, аксинча алоҳида одам, жамият ва олам фожиага юз тутиши муқаррарлигидан огоҳ этган.

Шу кўринишдан кейин Юсуф ва Саиднинг диалоги келтирилади. Саиднинг ҳар доим “биз” деб гапириши, ҳар қандай вазиятга ва ҳолатга нисбатан “биз” деган иборани қўллаши Юсуфни ажаблантиради, ички мулоҳазага ундайди:

Юсуф: (ичида) “– Биз дегани – ким? Амалдорларми? Бошқалар бунга кирадимми, йўқми? Агар Саиднинг таклифига рози бўлсам, демак мен ҳам “Биз”нинг сафига кираман. Шунда мен ҳам худди Саид мисол “Мен”деб эмас, “Биз” деб гапирсам, ажаб эмас. Ахир, Саид ҳам авваллари “Мен” деб гапирувчи, “Мен”дегувчи эди. Энди нечун фақат “Биз”дейди. Ёки кўпчиликнинг – жамоанинг иши шунақа бўлармикин? Шундай ҳам дейлик, лекин унда Саиднинг мен билган “мен”и қаяққа кетди? Ахир унинг ҳозирги барча гаплари ўзлаштирилган-ку! Саидники қани, қаяққа гойиб бўлди унинг ўзлиги, қарашлари?...[9,17],

Юқоридаги мулоҳаза-муҳокамалар томошабинни ўйлашга, фикрлашга ундайди. Ҳар бир инсоннинг ўз “мен”и бўлиши уни бало-қазолардан асровчи восита эканини англашга чорлайди. Гилоний фалсафасига кўра инсон танаси тўрт унсур сув, тупроқ, олов, ҳаводан таркиб топган. [8, 96], Файласуф Френсис Бекон “Аслида инсоннинг яширинган ёки эзилган эҳтирослари ҳеч қачон изсиз йўқолмайди, балки қулай вазият келганда юзага чиқади. Улар баъзида ухлаб қолгандек, ўлгандек, лекин бунга ҳеч қачон ишонмиш керак эмас. Ҳатто улар кўмилган бўлса ҳам, қулай фурсат бўлса, улар албатта, қайта тирилади”[6, 206], деган ғояни илгари суради. Демак, инсон ботинида ухлаб ётган кучлар, ёмонликлар бўлиши ҳам мумкин. Агар у ўзини жиловлай олса, ички мувозанатини сақласа, ухлаб қолган туйғулар уйғонмайди. Аксинча бўлса, унинг қалбидаги “ёмонлик” уруглари башариятга катта таъсир ўтказиши мумкин. Драмада бу фалсафий фикр Юсуф ва Эргаш ака диалогига сингдириб юборилади.

Эргаш ака билан учрашувидан кейин Юсуф руҳий ҳолатида сезиларли ўзгариш содир бўлади. Эҳтимол этилган эртаси ҳақида ўйлар ва уни воситали тарзда кўз ўнгига келтираркан, Юсуф кўрқиб кетади. Албатта, бу кўрқув-хавотир

фақатгина Юсуфга эмас, балки томошабинга ҳам дахлдордек гўё. Жамият ҳаётидаги ижтимоий ўзгаришлар, одамлар онги – дунёқарашидаги эврилиш жараёнлари моҳиятан драматизмга тўлиқ. Бу драматизмнинг ўзига хослиги шундаки, у воқелиқдаги кескинликни бадий-фалсафий йўсинда ифодаловчи тасаввур ва тушунчалар тариқасида ҳам зоҳир бўлади. Ҳаётдаги қотиб қолган тартибларни ўзгартиришга сафарбар этилган кучларга муносабат ана шу драматизм моҳиятидан сизиб чиқади. Айнан, Эргаш ака образи орқали ёзувчи “ўтиш даври” да ўз йўлини тополмай, руҳан, маънан “синган” зиёли инсон фожиасини тасвирлайди.

Эргаш ака: “Илгари мен бундай эмасдим обрўли университетдалардан бирида физика-математикадан дарс берардим, фан номзоди, бир неча қўлланмалар, доврўги дунёга кетган икки-уч кашфиёт, мақолалар муаллифи эдим. Оилам тотув яшар, хотиним болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлар, иккимизнинг топганимиз рўзгорга бемалол етарди... Кейин... бирдан талотўплар бошландиямки, маошлар ўз вақтида берилмай қўйилди, сўнгра эса пулнинг қиммати тушиб, ҳеч нарсага арзимамай қолди. Хотин айтади: “сен ҳам бошқа эркакларга ўхшаб мундоғ атрофинга қарасангчи? Пул чиқадиган бошқа ишнинг бошини тутусангчи?” Мен айтаман: - “Менинг қўлимдан нима келади? Сабр қил, ҳаммаси тагин изига тушиб кетар”. Хотиним бўлса менинг иродам етмаган ишни қилди – тарбиячиликни ташлаб бозорга чиқди-кетди... Ундан-мундан майда-чуйда олиб сотадиган, бозорма-бозор хуржун кўтариб юрадиган бўлди. Бунини кўриб баттар эзилардим... кадрларни қисқартириш жараёнида ишдан кетдим, бор-йўгимдан айрилдим. Нима қиларимни билмай уйда ивирсиб юрардим... судга ариза бериб хотиним билан ажрашиб, ўғлимга деб олган икки хонали уйда яшай бошладим. Ўшандан буён бутунлай ёлғизландим. Ўшандан буён аламзадаман. Ўшандан буён ичаман. Ўшандан буён хор-зор, маст-аласт тентирайман. Хатто тўғри келиб қолганда таниш-билишдан беш ўн сўм садақа сўрашдан ҳам тортинмай қўйдим. Илгариги гурурим қани – ўйлаб ҳам ўтирмайман!...

Юсуф: - Эй худойим, қисматим бу кишининг қисматига нақадар ўхшаб бораяпти-а! Ҳайхот, бу кўчага кириб қолмаслик учун нима қилмоқ зарур?... [9, 18],

Воситали таъсир Юсуфнинг ҳали тўла маҳв бўлмаган ички ғурурини уйғотади. Чунки, инсоннинг изтиробларга юз тутиши ички иммунитетнинг заифлашуви тарзида содир бўлиб, борлиқнинг қайғули моҳиятини ташкил қилади. Бинобарин, драматизм сюжет оқимини, қаҳрамонлар хатти-ҳаракатининг суръатини белгилаб беради. Асар иштирокчиларининг руҳий ҳолати билан боғлиқ бўлган юқоридаги парчада ҳам вазият-ҳолат тасвиридаги ҳаққонийлик ва самимият сахна асарининг ҳаётийлигини таъминлаган. Романда муаллиф хикоячи нутқи орқали психологик тасвирни истаган ўринда бериши, қаҳрамон руҳий оламини тасвирлаш орқали китобхонга таъсир қилиши, уни шу ҳолатга олиб кириши мумкин. Драмада эса муаллиф имкониятлари чекланган, чунки драмада кескин вазиятлар, руҳий кечинмалар кураши кечади, баъндан кўра ҳаракатни кўрсатиш муҳим саналади. Инсон руҳиятининг нозик томонларини таъсирли ва ишонарли ёритиш драматургдан катта маҳорат талаб этади. Сахна асари кўпинча характерларнинг руҳий кечинмалари асосига қурилади. Драма қаҳрамонлари руҳиятидаги кескин курашлар туйғулар коллизиясида ўз ифодасини топади.

Бадий насрда психологик тасвирнинг бадий асарлардаги ўрни ва аҳамияти ўзгача. Таъкидланганидек, насрий асарда қаҳрамонлар рухий ҳолати кўп ўринларда муаллиф баёни орқали ифодаланади. Драмада айнан ўша вазифа асар иштирокчилари зиммасига юклатилади. Тўғри муаллиф ремаркаси ҳам изоҳловчи функция бажаради. Аммо қаҳрамонлар психологик ҳолати томошабин кўз ўнгида зоҳир бўлиши лозим. Айнан шу хусусият уни насрий асардан фарқлайди. Қаҳрамон рухий кечинмаларини бераётганда драматургдан сахна имкониятларини ҳисобга олиш, психологик вазиятни яратиш талаб этилади. Шу вазиятга томошабинни ишонтириш, кўниктириш зарур. Насрда эса, эпик баёнчи китобхонни психологик кечинмалар оламига олиб кириши, сўнгра айна вазият-ҳолатни таҳлил қилиши мумкин.

Асар воқеаларининг кульминацион нуқтаси, “Мувозанат” инценировкасининг 4-пардаси, романнинг эса 54-бобида берилган. Бу Муҳаммадjonнинг шифокорларнинг инсон қисматига бефарқлиги, лоқайдлиги туфайли фожиали тарзда ўлиши сахнасидир. Ўғлининг ўлиmidан сўнг Юсуф яна Содиқ билан бўлган суҳбатини хотирлайди:

Юсуф: “ –Наҳотки...наҳотки, худо менинг алам устида айтган хув ўша гапларимни ўз ёқамга ёпиштирган бўлса? Ушанда мен дўстим Содиққа “қўлимнинг қисқалигидан ҳар қандай кўргиликларга, йўқотишларга розиман, фақат юртимнинг озодлигига зарар етмаса бас” дегандим. Наҳотки...наҳотки, “Яхши гапга ҳам ёмон гапга ҳам фаришталар омин” дейди деганлари шу бўлса?!..”[9, 23],

“Мувозанат”нинг роман ва инценировка вариантини қиёсий йўсинда таққослаш шуни кўрсатадики, Юсуф не-не ўй-ҳаёлларга бормасин, турли-туман кўчаларга кириб чиқмасин, гоҳо адолатсизлик, ночорлик туфайли ҳар қанча ўртанмасин, барибир қалбининг туб-тубида ўзлигига, адолат туйғусига содиқлигича қолади, миллат, юрт қайғуси ҳақида ўйлашдан бир зум ҳам тўхтамайди. Драма сўнгида Юсуфнинг ўз иш ўрнига қайтиши билан муаллиф ҳаётнинг жиддий, ижтимоий-фалсафий гоёсини илгари сурган. Олам мувозанатининг бузилишига йўл қўймайдиган, дунёда улуғликни тутиб туришга қодир зиёлилар Юсуф тимсолида гавдалантирилган. Аслида, ҳар бир инсон ботиний ва зоҳирий мувозанатга муҳтож. Юсуф каби виждони уйғоқ, имони бут, сабр-матонатли одамлар бор экан, олам мувозанати асло йўқолмайди. Ёзувчи ва режиссёр ижодий ҳамкорлиги, актёрлар, гримчи ва рассомлар маҳорати туфайли ташқи воқеликнинг қаҳрамон ботинига кўчиб, ички ҳаракат мотивини белгилаб бериши ишончли кўрсатилган. Ўлим олди талвасасидаги тоталитар тузум ва ўтиш давридаги оғир турмуш воқеалари бадий ўзлаштирилган. Замондашлар ички дунёси, рухий олами орқали атрофлича тафтиш этилган, рамзий образларнинг кенг имкониятларидан баракали фойдаланилган. Жумладан, жой номлари (Улуғтоғ), танланган исmlар қаҳрамонларнинг ички ва ташқи конфликтларида чуқур мажозий маъно касб этганлиги (Юсуф, Амир, Ҳалима ая). Энг муҳими, Олам мувозанатининг асоси, унинг меъёрини таъминлаш вазифаси юкланган улуғ инсонлар қисмати чуқур бадий-фалсафий мазмунда кўрсатилгани учун ҳам мазкур асар нафақат роман жанрида, балки драма шаклида ҳам илмий-адабий жамоатчилик эътиборига тушди, ўқувчи ва томошабин томонидан илиқ қаршиланди.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик даврида замонавий мавзуда яратилган аксарият пьесаларда ижобий идеал излаш тамойили устивор бўлса-да, кўпинча воқеликни сахна санъати талаблари асосида кучли драматик конфликт ва коллизиялар негизида – қарама-қарши муносабатлар-у курашлар силсиласида, юксак бадий ечимларда ифода этиши, кўрсатиш маҳорати сустиги кузатилмоқда. Аксарият замонавий пьесаларга хос бўлган маиший биқиклик, тор дунёқараш, қуруқ тавсифийлик, ижтимоий ҳаёт муаммоларининг анча саёз идрок этилиши сингари умумий нуқсонлар кўплаб театр жамоаларини миллий адабиётимизнинг наср ва назмда битилган бадий жиҳатдан бақувват намуналарига мурожаат қилишга ундаган омил бўлди. Бунинг пировард натижаси ўлароқ, “Хотирам синиқлари” (Зулфия), “Рухлар исёни”(Э.Воҳидов) дostonлари; “Жийдалилар” (Э.Аъзам), “Аёл”, “Тафаккур” (Зулфия Қуролбой қизи), “Пуанкаре” (А.Ўлдош) ҳикоялари; “От кишнаган оқшом”, “Ойдинда юрган одамлар” (Т.Мурод) қиссалари; “Мувозанат” (У.Ҳамдам) романи асосида инсценировка яратилди.

Зотан, юқорида саналган асарлар нафақат мавзуларнинг долзарблиги, балки қаҳрамонларнинг ҳаётлиги, воқеаларнинг ҳаққоний экани, фикр салмогининг залвори, поэтик ифодасининг юксаклиги, қамров миқёсининг кенглиги сингари ўнлаб фазилатлари жиҳатидан замондошларимизнинг драматургияда кўришни истаган маънавий-руҳий эҳтиёжларини муайян даражада қондира олгани билан аҳамиятлидир. Шубҳасиз, уларнинг ҳар бири алоҳида қиёсий-таҳлил ва тадқиқ этилиши мумкин. Уйлаймизки, яқин келажакда шу типдаги тадқиқотлар ҳам юзага чиқади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Адабиёт назарияси”. 2 томлик. 2-том. – Т.; Фан, 1979 й, 467 б.
2. Ёқубов И. “Бадиий-эстетик сўз сеҳри”. –Т.; “Янги аср авлоди” – 2011 й, 475 б.
3. Лессинг Г.Э. “Гамбургская драматургия”. – М.; “Художественная литература”, 1953, 623 С.
4. Монтескье Ш. “Избранные произведения”. – М.; “Литература”, 1955. 539 С.
5. Султон И. “Адабиёт назарияси”. –Т.; Ўқитувчи, 2005 й, 270 б.
6. Френсис Бекон. “Сочинение в двух томах”. Т.1. –М.: Наука 1971, 438 С.
7. Фролов В. Судьбы жанров драматургии. –М.; Советский писатель, 1979, 432 С.
8. Шайх Саъдий Абдулқодир Гийлоний. “Сиррул асрор. Мактубот”. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2005. 386 б.
9. Ҳамдам У. “Мувозанат”. (пьеса) – Т. ; “Янги аср авлоди”, 2011 й, 57 б.
10. Ҳамдам У. “Мувозанат” (роман). –Т. ; “Минҳож” нашриёти, 2004, 198 б.

28	Таълим соҳасида ижтимоий шериклик Алиханов М М	165
29	Оилада ўзаро меҳр муҳитини қадрият асосида шакллантириш жамият тараққиётининг гарови Бозорова Р Ш	172
30	Концептуальные основы развития военной культуры в вооружённых силах республики узбекистан Хашимова Г. И	178
31	Глобаллашув шароитида ўқувчи ёшларда илмий инновацион дунёқарашни шакллантиришда илмий-маънавий меъросни ўрганишнинг аҳамияти Худайназаров Н.Ш.....	184
32	Амир Темур ва Темурийлар даври фалсафаси ҳақида мушоҳада Алиқулов Ҳ	189
33	Илмий тафаккур тарзининг конструктив трансформацияси Султанова Г.С	194
34	Коррупцияга қарши курашишнинг маънавий-маърифий асослари Сохибов С	198
35	Умар Хайём рубоийларининг талқин ва тавсифи. Шодиев Ж Ж	206
36	Ҳалол кадрлар тайёрлаш тизимини яратишнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари Тожибоев С.П	211
37	Особые аспекты формирования стратегии жизни молодежи Исмоилов Т И	215

10.00.00

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES**

38	Шукур Холмирзаевнинг ҳикоячиликдаги маҳорати Тошпўлатов А	220
39	Мустақиллик даври ўзбек драматургиясида жанрлараро диффузияланиш. Аҳмедова В.А	227
40	Миллий Характер масаласининг жаҳон адабиётшунослигида ўрганилиши Қаюмов А	236
41	Инглиз ва ўзбек тилларида ирригация ва мелиорация терминларининг морфологик таҳлили«инсон нечта тил билса, у шунча одамдир»Гёте Ахмедов О.С, Назарова С.А	241
42	Нишотийнинг “хусн ва дил” достонида муболаға санъати Маматқулов М.Р	247
43	Қанотли сўз, афоризм ва фразеологик бирлик тушунчаларининг ўзаро фарқи Исакова Г. Н	252
44	Социально-лингвистическая репрезентация понятия «учитель» Носирова М.О	258
45	К. Boldikning adabiyotshunoslik terminlari qisqacha oksford izohli lug'atining leksikografik va etimologik tahlili Saidova M U	263